



КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БҲҲҲ ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (3287).

Жума, 25 март 1966 йил.

Баҳоси 2 тийин.



Тажрибакорлар маслаҳатлашдилар

Далаларда иш қизгин. Беш йил-
ликнинг дастлабки йили баҳорда
мўл ҳосил етиштиришга аҳд қил-
ган деҳқонлар ўз эмишларига
монитор мажбуриятлар олиб,
меҳнат қилмоқдалар. Урта Чир-
чиқ пахтакорларининг инати ҳам
катта. Улар бу йил давлатга кам
деганди 60 минг тонна пахта
етказиб беришга бел боғлашган.
Бу юксак мажбуриятни шараф билан
бажариш учун энг биринчи
набатда қўйлаб экиш қамла-
сининг пухта тайёргарлик билан
бошлаш зарур.

Бугун район партия комитети
бизнесга тўйланган тажрибакор
кекса пахтакорлар ана шу ҳақда
маслаҳатлашиб оладилар. Экин
фири олишув бошланди. Кекса
отасилар: «Ленин йўли» колхо-
зидан Камолддин Умурзоков,
Терешкова номли колхоздан
Юсуф ота Юнусов, Киров ном-

ли колхозининг бригадир Мутал
Қаюмов, Қўйишев номли кол-
хоздан Мамадали ота Маманбе-
зов сингари ўртоқлар сўзга чи-
қишди. Улар чигит экинни му-
ваффақиятли ўтказиш учун ил-
маларга эътибор бериш керакли-
ги ҳақида гапирдилар.

Ҳаммамизга маълумки, —
деб қайд қилишди кексалар, —
бу йил қиш қуруқ келди, нам-
гарчилик кам бўлди. Шунинг
учун мўл ҳосил етиштирмаган де-
тан, деҳқон боронага ҳар қачон-
гидан ҳам катта аҳамият бериш
керак. Айниқса, қир ерларда бо-
ронанинг ҳосили катта. Ерда
нам тўплаш учун ҳамма чоралар-
ни кўриш керак. Шу билан бир-
га қишлоқ хўжалик зараринан-
даларига қарши курашни ҳам

ҳозирдан бошлаш керак. Техника-
ни экишга бекам-қўст тайёр-
лаш учун ун обдон синовдан
ўтказиш зарур.

Қарияларнинг маслаҳати ҳам-
мага маъқул бўлди. Шу асосда
тажрибакорлар белгилаб чиқилди.
Районда 25 мартга барча пах-
та майдонларини бир сидра ен-
гил борона қилиб чиқиш, экин
агрегатларини биринчи, иккинчи
апрель кунларида сўнгги бор
синовдан ўтказишга қарор қилин-
ди.

Йигиллишга яқин ясаган район
партия комитетининг биринчи
секретари ўртоқ А. Мирҳамидов
қимматли маслаҳатларни учун
кексаларга миннатдорчилик бил-
дирди.

Н. РИХСИБЕВ.

ТЕХНИКА ТАХТ

Техника — пахтакорнинг қуд-
ратли таянчи. Бекободдаги 3-
«Далларзин» совхозининг деҳқон-
лари бунинг жуда яхши тушуниш-
ди. Шунинг учун ҳам улар тех-
никани унумли ишлатгандан сўнг,
кечуси маъмулга пухта созлаб
қўйишди. Бу йил ҳам шундай қи-
лишди. Ҳозир совхознинг қайси
бир участкасига борманг, катта
курашга отланиб турган қудратли
техникани курабсиз.

— Бизнинг бўлтур эришган кат-
та муваффақиятларимиз техника
шарофати туйғайди, — дейди
совхознинг илгор звено бошлиғи
ўртоқ Б. Буранбоев, — ҳозирга

қадар пахта майдонларимизнинг
ҳаммасини қўнғилдагидек текис-
лаб қўйдик. Бу ишда пухта ре-
мондан, чиқарилган техника во-
сители асосий куч бўлиб хиз-
мат қилди.

Шу кунларда звено далаларида
иш қизгин борапти. Ерни ўғит-
лаш давом эттирилляпти. Карта
чеккалари текислашиб, ерга-ер
қўйилляпти. Ҳосилдорлигини шу
йилнинг ўзидек камда 2—3
центнерга оширишга сўз берган
деҳқонлар шу кунларда ҳар бир
ишни оби-тобида бажаришга ҳа-
рекат қилмоқдалар.

А. ЭҒАМҚУЛОВ

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиу-
ми 1966 йил 22 мартдаги фар-
монлари билан чорвачиликни ри-
воқлантиришда, сўт, гўшт, тухум
ва яхши етиштириш ва тайёр-
лашни қўлайтиришда эришган му-
ваффақиятлари учун колхозчилар,
совхозларнинг ишчилари, қишлоқ
хўжалик мутахассислари, олим-
лар, қишлоқ хўжалик, табириаш
хотималари, партия, совет, қасаба
союз ва комсомол ташкилотлари
хотималаридан катта гуруҳасига
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
унвонини берди ҳамда СССР
орден ва медаллари билан муко-
фотлади.

Совет Иттифоқи Коммуни-
стик партиясининг XXIII съез-
ди очилган кунга жуда
оз вақт қолди. Шу кунларда
беёбон мамлакатимизнинг ҳам-
ма ерида съезд таралду. Са-
ноат қорхоналаридан, колхоз
ва совхозлардан улугвор беш
йилликнинг дастлабки кварта-
ли пландарининг муваффақият-
ли адо этилганлиги ҳақидаги
ғалаба рапортлари қилиб ту-
рибди. Халқимизнинг меҳнат
қўтаринчилиги ҳар қачонидан
ҳам юксак.

Жонажон Коммунистик пар-
тиясининг бўлажак XXIII съез-
дидан кейинги ўтган йиллар-
да халқ хўжалигининг бар-
ча соҳаларида қилинган катта
ишларга лўян исайди. Янги
беш йиллик вазифаларини бел-
гилаб беради.

Тошкент вокзали бу кеч
дар қачонидан ҳам серфайз.
Бу ерга республикамиздан пар-
тия XXIII съезидига сайланган
депутатлар тўпланишган. Улар
орасида областимиздан сайлан-
ган депутатлар ҳам бор. Қў-
сида олтин юдуз порлаб тур-
ган Янги Бекободдаги Ленин
номли колхоз механизациялаш-
ган звеносининг бошлиғи, Со-
циалистик Меҳнат Қаҳрамони,
таниқли пахтакор Абдубабор
Усмонов, У Бекободнинг шўх

МОСКВАГА—СЪЕЗДГА



шамолларига қўқрак кериб,
ҳосили 18 центнердан ошмаган
шўрхоқ ерлардан ўтган йилги
31 центнердан «оқ олтин» ун-
дирди. Етиштирилган ҳосил-
нинг 95 процентини «зангори
кема»ларда териб олди.

— Съездга делегат қилиб
сайланганлигим билан гоят
бахтлиман, — деди у. Бу юксак
ишончга колхозда ўзинга бир-

қитилган 55 гектар ернинг ҳар
гектаридан 40 центнердан пах-
та олиш билан жавоб бераман.

— Бугун қадрдон тепловоз-
им менга она-Ватан пойтахти
Москвага — КПСС XXIII съез-
дига олиб боради, — дейди
тепловоз машинисти, Ўзбеки-
стон ССР Олий Советининг де-
путати, съезд делегати Софий
Саидова. Мен каби оддий бир

ўзбек қизига шунча юксак
ишонч билдирилган экан, мен
бунга ўзимнинг ҳалол меҳна-
ти билан жавоб бераман. Бу
фақат бизнинг адолатли Вата-
нимиздагина бўлиши мумкин
бўлган воқеадир.

Областимиздан сайланган де-
легатлар орасида 160-қўрилиш
трести бошқарувчиси Абду-
мад Абдуҳамидов, «Таштек-
сильмаш» заводи слесари

Суръат Акромхўжаев, Тошкент
медицина институтини профессо-
ри, хирург Муқаддас Ашрапо-
ва, «Қизил Ўзбекистон» кол-
хозининг раиси, Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони Абду-
мад Матқобулов, Тошкент ба-
дий кўшатидаги фабрикаси-
нинг ишчиси Зарифа Ҳакимжа-
нова ва бошқа ўртоқлар бор.

Поезд Москвага қараб йўл
олади. Съезд делегатлари Ўз-

ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИ КВАР- ТАЛ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

КПСС XXIII съездининг муносиб кутиб олиш учун кура-
шастган областимиз чорвадорлари давлатга гўшт, сўт ва ту-
хум сотиш квартал пландарини муддатидан илгари ортиғи
билан бажардилар. Мамлакатга 5364 тонна гўшт, 11 минг
114 тонна сўт ва 7 миллион 247 минг дона тухум етказиб бе-
рилди.

Областимизнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалиги ор-
ганлари, барча меҳнаткашлар шу кунларда чорвачилик маҳ-
сулотлари етиштиришни янада қўлайтириш, зиммага олин-
ган социалистик мажбуриятларини ҳам ортиғи билан бажар-
иш учун курашмоқдалар.

МУНОСИБ ТУХФА

КАЛИНИН. КПСС XXIII съездининг муносиб кутиб ола-
ган Калинин районининг азамат
чорвадорлари яқинда давлатга
гўшт ва тухум сотиш квартал
пландарини муддатидан илгари
бажарганликлари тўғрисида
рапорт берган эдилар. Кўн
кеча улар сўт сотиш квартал
планини ҳам барвақт бажарган-
ликлари тўғрисида хушхабар
йўлладилар.

Район хўжалиқларидаги
фермалардан шаҳар меҳнат-
кашларига 1 миллион 820
минг литр сарқаймоқ сўт ет-
казиб берилди. Шуниси қў-
вончилиги, съезд шарафига ўза-
ро социалистик мусобақани то-
бора авж олдираётган колхоз
ва совхозлар давлатга сўт со-
тиш юзасидан олинган юксак
мажбуриятларини ҳам бирин-
кетин бажармоқдалар.

Чорвадорларнинг бу катта
йўтуғиди Ленин номли «Оста-
брь», Навоий номи, «Карл
Маркс» номи, «Ўзбекистон
ССР 40 йиллиги», «Ленин йў-
ли» колхозлари ҳамда «Бўз-
сув» совхозини ферма хотимла-
рининг хиссаси катта бўлди.

Район меҳнаткашлари беш
йилликда белгиланган янги
марраларини қўзлаб чорвачилик
маҳсулотлари етиштиришни
янада қўлайтириш учун кучга-

куч, ғайратга-ғайрат қўшиб
меҳнат қилмоқдалар.
ЯНГИЙҒЛ. Район чорвадор-
лари партияимизнинг шонли
XXIII съездининг меҳнатда кат-
та ютуқлар билан кутиб ол-
моқдалар. Улар давлатга гўшт,
сўт ва тухум сотиш квартал
планини муддатидан анча ил-
гари бажариб, қўвончли за-
фарга эришдилар. Мамлакатга
1970 центнер сўт, 6998 цент-
нер гўшт, 499 минг дона ту-
хум етказиб берилди.

Ҳамроқуд Турсунқулов ном-
ли колхоз чорвадорлари рай-
онда энг юқори кўрсаткичга
эришдилар. Бу хўжалиқда
гўшт сотиш квартал плани
355 процент, сўт сотиш плани
174 процент ва тухум сотиш
плани 164 процент адо этилди.
Шунингдек «Ўзбекистон ССР
30 йиллиги», «Интернационал»
колхозлари ва бошқа илгор хў-
жаликлар ҳам чорвачилик маҳ-
сулотлари етиштиришни қўлай-
тиришда қўвончли ютуқларини
қўлга киритдилар.

Янгиўзлик чорвадорлар ўз
имкониятларини ҳисоблаб чи-
қиб, КПСС XXIII съезди очил-
ган кунга қадар давлатга
пландан ташқари 300 центнер
гўшт, 2900 центнер сўт ва 120
минг дона тухум етказиб бе-
ришга аҳд қилдилар.

ГАЗЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

«Ташторгаз» трести коллективни аjoyиб муваффақият-
ли қўлга киритди. Трест меҳнатсеварлари ички имкониятлар-
ни тўла нига солиб ва мажбур резервлардан унумли фойдала-
ниб, янги йилнинг дастлабки квартал топиригини бажариб
муваффақиятли адо этидилар. Улар ўзлари эришган бу ютуқни
партияимиз XXIII съезидига бағишламоқдалар.

Трест коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зима-
мага яна оширилган мажбурият олди. Улар съезд очилган
кунга яна 150 та квартирани газлаштиришмоқдалар.

Раклис Юрий Буров пардоз-
ловчилар учун намунали иш
шорини яратиб бериш зарурли-
гини билдирди. Пардозловчилар
ҳам ишқерлар фойдаланаётган
иктифозларга шерик бўлишлари
лозим.

Тошкент тўқимачилари хозир-
ги кунда Директивалар лойиҳаси
бўйича бир қатор тадбирларни
аналга оширишмоқчи. Улар ти-
кув фабрикаларига тоғларини
жўнатганда аёвда асортментга
қаттиқ риоя қилиш лозимли-
гини уқидилар. Бунинг натижаси-
да штрфлардан қўйилган «мў-
кин, Шунинг ҳисобига бир йил-
да 10 минг сўм текалади. Лех-
тектлар қичқими 25 процентга
қаматириб, 23 минг сўмлик
маблагини икитосда қилиб қолиш
мумкинлиги ҳам аниқланди. Хо-
зир Тошкент тўқимачилик ком-
бинати коллективни бу тадбирлар-
ни амалга оширишга қирқимок-
да. Барча бир жон-бир тан бў-
либ КПСС XXIII съездининг меҳ-
натда улкан ютуқларини қўлга
киритган ҳолда кутиб олишга
ҳаракат қилмоқдалар.

Р. ИБРОҲИМОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

СССР Олий Советига сайлов
ўтказувчи марказий сайлов ко-
миссияси составига номоздлар
кўрсатиш давом этмоқда.

Армия, авиация ва флотга қў-
мақлашувчи бутуниттифок қўн-
ғилли жамаияти марказий коми-
тетининг президиуми марказий сай-
лов комиссияси составига совет
армияси ва ҳарбий денгиз флоти
баш сийбш бошқармасининг бош-
лиғи А. А. Епишевни кўрсатиш
тўғрисида тақлиф киритди. Бу
тақлиф бир овоздан қабул қилин-
ди.

Арманистон қасаба союзулари
республика советидан марказий
сайлов комиссияси составига Ар-
манистон қасаба союзулари сове-
тининг раиси С. В. Аракелян кўр-
сатилди.

Тожикистон Ленинчи Комму-
нистик Ёшлар Союзидан Тожи-
кистон ЛКММ Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари Г.
Бобосодиқова лқидилик билан
кўрсатилди.

СССР Олий Советига сайлов
ўтказувчи марказий сайлов коми-
ссиясига Литва ССР, Шаулай рай-
онидида «Пирмин» колхозининг
аъзоларидан шу колхознинг раиси
С. С. Юнинас кўрсатилди.

(ТАСС).

Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

қазилди. Махаллада янги тиңовый оқиқовналарда саяоат моллари мағазини куриб, ишга туширилди.

— Мен пенсияим олиб бтаверсам ҳам буларди, лекин, — дейди Мухамиди ота Эшонзодев, — баллининг тиричилиги сув билан деғантерден, халк орасида булмасам туролмишам. Кўчниникина канча хизмат ирлсам, Уаимини шунча енгил ва бардам сезаман.

Н. ҚАЮМОВ.

КПСС XXIII
СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БЕШ ЙИЛЛИК—ТҮРТ ЙИЛДА



Ўртоқ Умаров

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

УША КҮНЛАР ҳали-ҳали эсимизда. Колхозимиз районининггина эмас, балки областнинг ҳам энг қўлиқчиларидан бири эди. Биз кўшни колхозларга бир неча бор қўшилди, бир неча бор яна акраб ўзимизга мукаддас бўлганимиз. Ҳар гал қўшилганда «ҳа, юксалиб кетарми» дорди-да, юксаларми, «э, бўлади» деб бўлад бўларди. Бу деҳқонларимизнинг сўнг-сўнгаларидан ўтиб кетган. Охири марта «Партия XXII съезди» колхозини иккинчи бўлиб, биз янги рўзгор туздик, шунда катта мажлис қилидик. Сўнги пахтачилликда қотган отахон деҳқонларимиздан Юсуф ота, Ҳамид полон, Назир ақ сингарилар ана шу мажлисида сўзга чиқиб, ҳаммамизни юратган бўлиб етдикилар гапларини айтишди.

— Ҳўш, айтилган-чи, бошқалардан қаришимиз кам? — дейишди улар. — Еримиз ёмонми, ё сувимиз еттишмайди, ёни одамларимиз ёмонми? Йўқ, ҳаммаси жойида. Шу ўтирғаларнинг қайси бири пахтани ёмон билди дейсиз? Ҳаммаси яхши билди. Ҳаммаси ҳам кўшчиларимиздан қўшилмайди. Ана қарагилар, ўтирган йилларимизнинг ҳар бири тоғи урса талқон қилади.

— Юзими эриш қилиш учун нима қилайлик? Айтилган ахир, — дейишди залда ўтирғалар.

— Ҳамма гап ишнинг кўзини билиб иш юритишда қолган, — деди Юсуф ота, — қани айтилган-чи, чинакамга меҳнат қилган қайси бир одам барида топмаган? Гайрат қилишимиз керак, шундай гайрат қилишимиз кераки, ҳамма ўзининг меҳнатидан барида топсин!

Колхозимиз биринчи қосмонат аёл Валентина Терешкова номини бердик. Деҳқонларимиз Ҳазратнинг ердаги меҳнатларини Терешкованинг қосмонатига жасоратига тенгаштиришга қатъий бел боғлаб, ишга жону диллари билан киришиб кетдилар.

Ишнинг камчиликлари баргараф, эътиҳдан бошланди. Ерларни қалин ўт босиб кетган эди. Худди ҳозиргидай баҳор кезларида пайкага қадам қўйсанинг, гирч-гирч илдиш босардингиз. Шу илдишларини битта қўймай териб олишга киришиб кетдик. Колхозчиларимизга илдиш терганлари учун ҳам худди пахта терганлари каби ҳақ тўлаб турдик. Ерни ўғитга оқиб тўйдириб деҳқонларимизнинг диққат марказида турди. Уша дастлабки йили тўла бўлмасам ҳам, алмашлай экинни йўлга қўйдик. Техникани юқори унум билан ишлатишга ҳаракат қила бошладик.

Колхозимиз мукаддас иш юрғата бошлаганда август ойи кириб қолган эди. Ҳалла-ҳўлда ўтган ишларнинг ҳаммасини дарҳол бўла қўйиб бўлмади, абабта. Натига эди, уша йили пахтан бакаралмай қолдик. Пахта ҳосилдорлиги 15 центнерни ташкил этди, ҳоло, Ленин келаси йили қўнган катта тадбирларимиз, деҳқонларимиз кўрсатган эъри гайрат ва ишқибоз катта зафарларини етказиб келди. Пахта ҳосилдорлиги бир йилнинг ўзига 15 центнердан 21,7 центнерга кўтарилди.

Етти йилнинг сўнги йилида звенно системасига тўла ўтдик. Бригадарлар тугатилиб, уларнинг ўрнига 19 та комплекс механизациялашган звенно тузилди. Бу звенноларнинг ҳаммасига мохир механизаторлар бошлик қилиб қўйилди. Ҳар уч-тўрт звеннога раҳбарлик қилиб туриш учун бир участка ташкил этилди. Звенно системасининг мукамаллаштиришдан формасини ҳам синаб кўра бошладик. Одамларнинг бу формага муносабати қандай бўлишини билиб олиш мақсадида колхозимизнинг уч йил жойида учта нарядсиз звенно тузилди.

Йил охирига келиб эришган ютуқларимиз ҳаммамизни қувонтириб юборди. Маъжуд 800 гектар майдонимизнинг ҳар гектаридан 25,5 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 2045 тонна «оқ олтин» ҳаля этдик. Пахта тайёрлаш йиллик плани илгарилари юз бир, юз йигирма кунда араб бажарилаб эди. Бузлурт эса 23 кун даганда плани бажариб, галаба рапортга имзо чекдик.

Бу алобта машинанинг шарофати. Пахта ҳосилдорлиги ошгани сайин колхозимиз боийлпти. Бойганимиз сайин трактор паркинни ҳам бойитишга ҳаракат қилишимиз. Қисқа давр ичида пахта териш машиналарининг сонини ҳам, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарининг сонини ҳам икки баравардан зиёдлаб қўйишга эришдик. Машина етарли бўлгани билан уш ишлата билиш ҳам керак. Бунинг учун ўзимизнинг механизатор кадрлар тайёрладик. Натига эди, техника ўзининг тўла қувватини бизга ёрқин намоийш ила бошлади. 1963 йилда 10 та машина билан атиги 69 тонна пахта териб олинган бўлса, 1964 йилда 14 та машина билан 640 тонна, 1965 йилда эса 20 та машина билан 1240 тонна пахта териб олинди. Шундай қилиб атиги икки йил ичида машина термини даражаси 6 процентдан 56 процентга кўтарилди.

Мана, энди бизин ёмон деб акрабта ташлаган кўшни колхозлардан ҳабас қилинган

Урта Чирчиқ районидagi В. Терешкова номи колхоз меҳнаткашлари беш йиллик планини тўрт йилда бажаришга қарор қилдилар. Шу тўрт йил мобайнида она-Ватанга пландаги 9200 тонна ўрнига 11 минг 555 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Колхозда 1963 йилда ҳар гектар ердан 15 центнердан пахта олинган бўлса, 1965 йилда 25,5 центнердан пахта олинди. Ҳосилдорлик бу йил 27 центнерга, 1970 йилга бориб эса 30,5 центнерга етказилди. 1963 йилда яппи пахта ҳосилининг 6 проценти машиналар билан териб олинган бўлса, ўтган икки йил 36 проценти териб олинди. Бу йил ҳосилининг 65 проценти, 1970 йилга бориб эса, камида 75 проценти териб олинди. Кейинги икки йил ичида колхозчиларнинг ўртача йиллик даромадлари 535 сўмдан 1302 сўмга етди.

Бу сажжада колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, республикада хизмат кўрсатган меҳнаткор УМРИНСО ҲАСАНОВА ана шулар тўғрисида ҳикоя қилади.

бўлиб қолди. Кейинги икки йил ичида «Партия XXII съезди» колхозиди пахта ҳосилдорлиги 2,5 центнерга ошган бўлса, бизнинг колхозимизда 10 центнердан зиёдлаб ошди. Машина термини соҳасида эса улардан анча ўзиб кетдик.

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

ПАРТИЯМИЗ XXIII съездининг Директивалари лойиҳасини барча совет кишилари қатори бизнинг колхозимиз меҳнаткашларини ҳам раҳмат руҳлантириб, янги марралар сари чорламиди. Колхозчиларимиз Директивалар лойиҳасини қизини мукоама қилар эканлар, беш йилликда мамлакатимиз ҳали хўжалигини ривожлантиришга, Ватанимизнинг куч-қудратини янада оширишга озми-кўми ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишга астойдил бел боғладилар. Улар маъжуд имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик планини тўрт йилда бажаришга қарор қилдилар.

Директивалар лойиҳасида «Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий йўли барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат деб ҳисобланган» дейилган. Колхозимизнинг ҳам бундан бунги асосий йўли ҳосилдорлигини оширишдан иборат бўлиб қолди. Мутахассисларимиз беш йилликнинг конкрет режаларини ишлаб чиқдилар, аниқ рақамларни ҳисоблашдилар.

Беш йиллик план бўйича биз давлатга 9 минг 200 тонна пахта сотишимиз керак. Пахтакорларимиз 11 минг 555 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар. Шунча миқдордаги пахтани биз беш йилда эмас, тўрт йилда етиштиришимиз ва она-Ватанга тортиқ қиламиз. Бунинг учун ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосилини бу йил пландаги 21,2 центнер ўрнига 27 центнерга, 1967 йилда 28,7 центнерга, 1968 йилда 29,8 центнерга, 1969 йилда 30 центнерга етказамиз.

Звенно системасини, айниқса, нарядсиз ишлатиш янада таъминлаштириб олинди йили би-

Ҳозир ҳамма ерда беш йиллик, баҳори жилва қилипти. Дарахтлар қийғос гуллаган. Шу дарахтларда тўрт марта ҳосил пишиб етилганидан сўнг колхозчиларимиз «беш йиллик плани бажардик!» деб галаба рапорти бердилар. Бунга ҳаммамиз аминимиз.

ТАДБИРКОР КИШИЛАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ донолик билан айтган бу гапиди чуқур маъмуи бор. Ҳар қандай иш ҳам тадбирлик билан қилинса, қолгандан осон кўчади. Деҳқонларимиз беш йилликни тўрт йилда бажаришда катта ваъдани ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эканлар, энди ана шу мақсадга эришишнинг режаларини тузмоқдалар, тадбирларини белгиламоқдалар.

Ер қанчалик яхши ишланса, ўғитга тўйдирилса, бегона ўт илдизларидан батамом холи қилинса, шунча кўп ҳосил беради. Бу илгор тақриблардан маълум. Биз пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириб оlishни планлаштиришда энг аввало деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг назарда тутидик. Ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланиш, алмашлай экинни тўғри олиб бориш, экинларнинг энг яхши навларини жорий қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш бундан бунча ҳам деҳқонларимизнинг асосий ишлари бўлиб қолади.

Бир текис бўлса, ҳосил тўқис бўлади. Биз ана шунинг назарда тутиб, ҳамма ерларимизни капитал планировка қилишга киришиб кетдик. Ҳозиргача 60 гектар майдонимиз капитал планировка қилинди. Уч йил давомида яна 200 гектар ерин капитал планировкадан чиқарамиз. Қолган майдонлар эса жорий планировкадан чиқарилади. Деҳқонларимиз ёз ойлариди сувни исроф қилмаслик, унинг ҳар томчисини тўзага кириш мақсадида барча ариқ-зувурларни бутун қиш бўйи қўнғилдайдй қилиб қазиб қўйдилар. Ерларнинг захини қочириб мақсадида керакли жойларда ин-



лаш техникадан тагин ҳам унумли фойдаланишга, дала ишларини асосан механизаторлар билан бажаришга тўла эришмиш. Машина терими колхозимизда кенг қўлқоз эади. 1963 йилда машиналар билан яппи ҳосилнинг атиги 6 проценти териб олинган бўлса, бу йил 65 проценти, келаси йили 68 проценти, беш йилликнинг охирида эса камида 75 проценти териб олинди. Бу бизга жуда катта фойда келтирди. Виргина ўтган йили шаҳардан ердамчи қарчмаганнинг эвазига жуда кўп миқдордаги пулнинг иқтисод қилиб қолдик. Бундан бунча ҳам пахта теримига четдан одам ёлламаймиш. Топган даромадимизнинг ҳаммаси колхозчиларимизнинг ўзларига таъсислаб берилди.

Хўжалигимизнинг асосий тармоғи пахтачилик. Лекин биз беш йилликда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор берялмиш. Беш йил давомида мамлакатга қарийб 200 минг килограмм гўшт, 400 минг килограммдан ортиқ сўт, 430 минг килограммдан ортиқ шол, 450 минг килограммдан ортиқ сабзавот ва полло экинлари маҳсулотлари, 115 минг килограммдан ортиқ мева ва узум ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берамиз.

Бу юқорида келтирилганларимиз ҳозирча қорғоздаги рақамлар. Лекин вақт ўтиши билан, чинакамга меҳнат қилишимиз билан бу рақамлар хирмондай барилади «оқ олтинга», дон-дунга, сабзавотга, мева-чевага, пиллага, эл дастурхониди гўшт-сўтга айланади.

Ҳар зовурлар очдик, экинларини эса кўмиб, ерда ер қўйдик. Шу йўл билан қаргалар ҳам йиллаштириляпти. Бундан ташқари экин майдонлариди қари, кераксиз дарахтларини кўчириб ташлаб, жой очаялмиш.

Навбатдаги тўрт йил давомида барча пахта майдонларимизнинг камида ўндан етти ҳиссасини ўғит билан тўла озиклантиришимиз. Бу йил илгит оини билан бир-вақтда ерга азот йиллик нормасининг 30 процентини солиб кетамиз. Захкам ерларимизга суперфосфат ва калий солинган. Энди азот ҳам тушганидан кейин шу захкам ерлар ҳам зўрайиб кетади.

Биз фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга жиддий эътибор бериб келялмиш. Бузлурт 200 гектар ерга чигитни янтари қислотаси билан доридаб экин эдик, жуда яхши натижа берди. Ўғзалар соғлом ўсди, доридаб экинмаган пайкалардаги ўғзаларга нисбатан бирмунча кўп ҳосил турди. Ана шу афзалликлари назарда тутиб, бу йил яна ҳам кўпроқ майдонларимизга янтар қислотаси билан доридаб чигитни эймоқчимиз. Ерларимиз бегона ўтдан асосан тозаланди. Лекин шундай бўлса ҳам деҳқонларимиз ёввойи ўтларининг қолган-қутган илдизларини ҳам битта қўймай териб олиш учун шу қувларда гайрат қилишяпти.

Қисқача қилиб айтганимизда, катта маъра сари олган пахтакорларимиз деҳқончилик маданиятини ҳартомонлама юксалтиришга астойдил бел боғладилар.



Суратда: агроном-зоотомолог Абдулла Нуруллаев (чапда) ва участка бошлиги Маннон Улуғжўяев ўртоқлар уруғлик чигитларининг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

ОЛТИН ФОНД

ОДАМЛАР — олтин фондимиш. Уларни тарбиялаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳаммаша диққат марказида турибди. Колхозимиз оқсаб қолганда кўпгина кадрларимиз, жумладан механизаторларимиз кўшни хўжалиқларга кетиб қолган эдилар. Колхозни юксалтиришга киришган дастлабки кунларимиздан бошлаб олтин фондимиш мустаҳкамлашга катта эътибор билан қарай бошладик. Хўжалиқдан кетиб қолган ёни бўлмаси бошқа ишлар билан шугулланаётган механизаторларни биринчи навбатда қайтариб келдик. Янги механизатор кадрларини тайёрладик. Комплекс механизациялашган звенноларга ва участкаларга ишнинг кўзини билган механизаторларини ҳамда уста пахтакорларини бошлик қилиб қўйдик.

Қишлоғимизда сўнги деҳқончиликда қотган отахонлар кўп. Улар хўжалигини тобора юксалтиришда ўзларининг кўпйиллик тажрибалари билан бизга яқиндан қўмақлашмоқдалар. Юсуф ота Юнусов яқинда 70 ёшга тўлди. Колхозга илгари бир неча йил раислик қилган, кейинги йилларда эса пахтачилик звенносига боп бўлган, ҳосилдорлигини бир-икки йил ичида икки-икки ярим баравар оширган бу отахоннинг яқинда етмиш ёшлиқ юбилейини эъри таъинналар билан ўтказдик.

Ешларимиз Юсуф ота сингари асд деҳқонлардан намуна олиб, тажриба ўрганиб, ишда тобора яхши натижаларга эришмоқдалар. Мана масалан, механизатор ўртоқ Ҳаким Саидгозиевни олиб кўрайлик. У бошчилиги қилаётган нарядсиз звенно аъзолари ўтган йили колхозда пешқадамлик қилишди. Ҳосилдорлик кескин оширилди, моддий маблағлар анча иқтисод қилиб қолди, ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан териб олинди, пахтанинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга топширилди. Шунинг натижасида звенно аъзолари мўмай даромад қилдилар: уларнинг ҳар бир иш кўнига тўланган ҳақ беш тийини кам саккиз сўм бўлди.

Механизатор Саидхамид Усмонов ҳам бошқа ишга ўтиб кетганлардан бири эди. Уни колхозга қайтариб олиб келдик. Орадан кўп ўтмай нарядсиз звеннога бошлик бўлди. 1964 йили шу звенно ерларидан 15,6 центнердан ҳосил олинган эди, 1965 йилда эса пахта ҳосилдорлигини бирданга 29 центнерга етказилди. Бурунқ йили звенно аъзолари ҳар бир иш кўнига эвазига 3 сўм 80 тийиндан ҳақ олинб бўлса, ўтган йили 7 сўм 33 тийиндан ҳақ олдилар. Асосий маошларининг ҳар бир сўминга ҳисоблаганда бир сўм олганиш беш тийиндан кўшимча ҳақ тўланди.

Беш йилликда ўртоқ Усмонов бошлик нарядсиз звенонинг пахтакорлари жуда катта марраларни қўзламоқдалар. Бу йил гектар бошига пландаги 24,3 центнер ўрнига 30,9 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишди. 1970 йилга бориб эса звеннода пахта ҳосилдорлиги 35 центнерга етказилди. Беш йил мобайнида звенно аъзолари пландан ташқари сотган пахталари эвазига қарийб 47 минг сўм кўшимча даромад қилдилар.

Бундай қувончли гапларни звенно бошлиқларидан Исроил Ежубов, Юнус Умурзоков, Абдурашид Абдурашидов, Мутал Мирсидиқов сингари ўртоқлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Механизаторларнинг сафини янада кен-

ЎЛТИН ФОНД

гайтириш мақсадида ҳозир районимиздаги Ленин номи колхозда очилган механизаторлар тайёрлаш курсида сергайрат қизларимиздан Ҳолия Исмоилова, Гулнора Маликова, Анонхон Ҳасанова, Дилбар Усмонова, Матлуба Нурдодиеваларни ўқитаялмиш. Улар ўқиб келиб, бу йил куздаёқ «загори кема»ларнинг ишуралларини бошқара бошлайдилар.

Биз одамларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берайлимиш. Ўтган йили пахта байрамида энг илгор участкамиз бошлиги Усмонов Жўнабоевни «Волга» автомашинаси билан, звенно бошлиқларидан Ҳаким полон Сангдиев ва Саидхамид Усмоновларни люк-кали мотоцикллар билан мукофотладик.

ЁРҚИН КЕЛАЖАК

БЕШ ЙИЛЛИК фақат хирмонимизгагина барида киритмайди, балки колхозчиларимизнинг қонадонига ҳам шоду-хушрамлик, бойлик келтирди. Деҳқонлар «иш пахтада» ош тахтада» деб бежизга айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам пахтани деб жон қуйдираётган, гайрат-шиқоватини аймаётган кишилар барида топишяпти. Бизнинг колхозчиларимиз ҳам ана шундай кишилар жумласидандир. Хўжалигимизда пахтаччилик юксалгани сайин уш йил келадиган даромад ҳам ортагади. 1963 йилда пахтачилликдан 379,5 минг сўм даромад қилган бўлсан, ўтган йили 953,2 минг сўм даромад қилдик.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин илгори сортли пахтанинг ҳарид нархлари оширилди. Биз 106 процент пахтаимизни фақат биринчи сорта топишдик. Шу туфайли давлатдан 175 минг сўм кўшимча пул олдик. Пахта етиштиришнинг кўпайтиришга колхозчиларимизнинг меҳнат ҳақлари йили сайин мисли қўрилмаган даражада қўнайиб боришти. Агар ҳар бир колхозининг ўртача йиллик даромади 1963 йилда 535 сўмин ташкил этган бўлса, 1964 йилда 910 сўм, 1965 йилда 1302 сўм бўлди. 1970 йилга бориб эса камида 1500—1600 сўм бўлади.

Навбатдаги тўрт йил давомида давлатга беш йилликда белгиланган пландагидан 2355 тонна кўп пахта сотамиз. Ана шу пахтаимизнинг эвазига давлатдан 857 минг 926 сўм кўшимча пул оламиз. Бу пул колхозчиларимизни тагин ҳам яхшироқ рағбатлантиришга, қишлоқни ободлаштиришга, янги машиналар сотиб олишга хизмат қилади. Беш йилликда бўлганимиз фондимишга 725 минг сўм акратилиш планлаштириб қўйдик.

Колхозимизнинг марказий Яхшиовул қишлоқи қатъий план асосида ободлаштирилмоқда. Беш йилликда колхозчиларимизга экинлик тиловой уй қуриб берамиз. Бундан ташқари 300 ўринли дашаматли клуб, ҳаммом, дорихона, касалхона, марказлаштирилган болалар боччаси, бузоқхона ва молхоналар, қишлоқ хўжалиги машиналари санксанадига бостирмалар, минерал ўғитлар омбори ва бошқа қўлаб бинолар қурилади.

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини ҳаётиятга табиқ этаятган, КПСС XXIII съездининг муносиб қилиб олишга ошқайтган ултувор беш йиллик планини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган колхозимиз меҳнаткашлари ўз мақсадларига эришадилар. Йўқ, келажакда колхозимизнинг районининггина эмас, балки областнинг ҳам пешқадам пахтакор хўжалиқларидан бирига айланиши учун курашамиз.



Мана бу суратларда колхознинг илгор кишиларидан бир гуруҳини кўриб турибсиз: (чапдан) комплекс механизациялашган звенно бошлиги Юнус Умурзоков, бўлажак турсу-ойчи механизатор Ҳолия Исмоилова, колхозчи Усмонов Жўнабоева, сувчи Алимулло Тоғотаров ва участка бошлиги Анбар Юсупов ўртоқлар. А. Абалия фотолари.

ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАРДОШЛАР ГАСТРОЛИ


Шаҳарга меҳмон бўлиб келган қардош Тожикистон санъаткорлари бир неча кун давомида томошалар кўрсатишди. Ленинбод драма ва комедия театри артистлари кўрсатган Қ. Фисинининг «Қароқчи оқсингиллар», Б. Брехтининг «Жаноб Пунтилла ва унинг хизматкори» спектакли ва концертлари катта муваффақият билан ўтди.

КИЧИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Янгида қурувчилар яна бир биони қўлдан чиқардилар. Икки қаватли муҳташам бу бино болалар бочаси бўлиб ҳозир бу ерда 120 кичинтой тарбияланоқда.

ЯНГИ КАФЕ

Янги шаҳарда яна бир кафе ишга туширилди. Унга «Светлана» деб ном қўйилди. Т. СОЛНОВ.



А. Тўраев фотоси.

КЎЧАТ ЭКИНГ

Ўлкамизда баҳор мафаси кезаётган янги шу кунларда шаҳримизда қайси кўча ёни маҳаллада бўлган, ёш-лашлар, нуруни некалар яхши кият билан мевали дарахт, гул кўчатлари ўтказиб берилади, кўча ва ариқларнинг тозалашаётганини кўрасиз. Айниқса Октябрь районидан бир қатор маҳалларда кўчат экиш ҳозир янги тус олмақда.

Уз лозим билан «Мевазор» деб аталган маҳалланинг аҳли аҳолиси кўча четлари ва ариқ бўйларига 80 тупдан ортиқ олма, олча

кўчатлари ўтказишди. Улар «кичирик» суви ёқасида кўпдан қаровенз ётган катта майдонни мевазорга айлантиришди. Шу райондаги «Авангард» маҳалла жамиятидаги ўзлари яшаётган Коробов ва Проестий кўчаларига мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтказишди.

Шунингдек шаҳардаги 1-каскалхона ва 3-туғруқхоналарнинг ишчи ҳамда хизматчилари ҳам кўчат экишда бошқаларга ўрнин кўрсатишмоқда. Ўлкада каскалхонае ходимлари 200 туп олма

С. БАДАЛОВ.

МАҚОМ САДОЛАРИ

Тошкент шаҳрининг «Олмазор» маҳалласидан тойдона шу кунги тиройлик қилиб бешатилган эди. Республика халқ артисти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Юнус Ражабийнинг бошлиқ ўзбек радиоси мақомчилар ансамбли бу ерга келди.

Санъатшунослик фанлари кандидати Исҳоқ Ражабов дирик шеърлар асос қилиб олинган

мақомларнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида, ана шу чолгу асбоблари асарларини янги бадиий жиҳатдан ишлаб беришда кўп иш қилган Юнус Ражабийнинг ижоди тўғрисида гапирди.

Маҳалладаги учрашувда, уста санъаткорлар ижро этган аjoyиб кўят ва қўшиқлар аллаҳалгача эшитилиб турди.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

ЯПОНИЯ

ТОКИО. Сига префектурасидан «Нодава» ва «Тоа» цемент компанияларининг ишчилари забастовка бошладилар. Улар бу компанияларнинг «Сумито» сэмэнт» фирмаси билан қўшилган сабабидан маъмурий амалга оширилган бўлган ишдан бўшатилган қарши норозилик билдиришмоқдалар. Еши 35 дан ошган аёллар ва ишлаб чиқаришда майиб-мажор бўлган ишчилар биринчи навбатда ишдан бўшатилган керак.

«Сумито сэмэнт» касаба союзи нш ташловчилар билан бирдам эканлигини билдирди.

ГАНГСТЕРЛАРМИ ЁКИ СТУДЕНТЛАР?

«ОЛТИН МАЪБУДА»НИ ЎЎЎЎЎЎ «ҲАЗИЛИ» ЖУДА ЧЎЎЎЎЎЎ КЕТДИ

ЛОНДОН. 22 март. (ТАСС мухбири). Кечқурун Британия матбуот уюшмасида телефон жингилди. Телефонда жингиллаган овоз ишонилиб бўлган деди: «Биз фақат ҳазиллашдик. Бу — студентлар ҳазили. Агар сизлар хайри эҳсон мақсадалар учун 50 фунт стерлинг пул берсангиз, «Олтин маъбуда» қайтариб бериладим». Телефондаги овоз шу сўзлар билан ўз гапини тўхтатиб қўя қолди.

Бунақа телефон жингиллаш биринчи марта бўлаётгани йў. Кимдир биров ўз номини айтмай, ҳатто Скотланд-Ярдга ҳам телефон қилиб, Жюль Рие кубог Лондоннинг Ист — Энд районидан «Грейхаунд» стадионида турибди, деди.

Аммо, полиция агентлари телефон орқали берилган бу хабарларни назар-писанд қилмаётгилар. Улар «ҳазил тўғрисидаги шу гапларнинг ўзи ҳам бир ҳазил», дейишмоқда. Пулқолган кубокни зўр бериб кидириш хали ҳам давом этмоқда, «лаблари илгичка» ва сочлари қора бежирим жентельменларнинг ҳаммаси хали ҳам шубҳа остида турибди. Бунақа жентельменлар Лондонда жуда кўп!

Жаҳон ва инглиз спорт жамоатчилиги эса бениҳоя габзада. Газеталарнинг саҳифалари ҳақ бовар қилмайди-ку, лекин ҳақкатан шундай бўлади: «ҳазима газабда», «шармадиллик» деган сарфалар билан тўлиб чиқмоқда. Лондондаги «Сан» газетасининг обзори сиз бундай деб ёзади: «Агар ўғирлар учун олимия йўналиш ўтказилган бўлса, бу ўғирларда ҳамма совринлар Буюк Британия ютган бўлар эди. Почта поезидани бирданги икки ярим минг фунт стерлингни ўғирлар олиб қочган мамлакат бу соҳада жаҳон биринчилигини олиб турганлигини яна бир марта ис-

бот қилди. Аммо, бунақа «шўхратларга» ҳеч кимнинг ҳанаси келмайди.

Халқаро футбол федерациясининг Нью-Йоркка борган президенти Стелли Роуз қўбон ўғирлаётганлигини унинг ўғилдан гап сўраш учун ёпирилди келган мухбирлардан эшитди. Шу хабарни эшитиб ҳайратда қолган Роуз «бу иш билан чинакам шўгулланмоқ» учун дарҳол Лондонга қайтиб борамай, деган гапини айтишга улгурди, ҳоло.

«Олтин маъбуданинг» (афсуски экин йў бўлиб қолган кубокнинг) соҳиб бўлиб турган футболчилар мамлакатда газаб айниқса авж олиб кетди. Бразилия спорт конфедерациясининг аъзоси Абрам Тебет «Бразилияда ҳеч қачон шундай ҳолат бўлмас эди», деди. «Жюль Рие кубог, деди у, биз учун фақат соф олтингина бўлиб қолмасдан, спорт тарихимизнинг рамзи, бу йилги жаҳон чемпионатида галаба қозонинг учун бўлган умидимиз ҳам эди. Ҳатто, Бразилиядаги ўғирлар ҳам кубокнинг ўғирланганлигига йў қўймас эдилар, чунки улар футболни жуда яхши кўрадилар». Энди Англиядаги газеталарнинг эслаб ёзишларига қараганда, жаҳон футбол чемпионатининг қурув ташлан маросинига ливар» ойда бразилияликлар «олтин маъбудани» олиб келганларда, кубокни муҳофаза қилиш учун инглизлар қўраётган чоралар етарли эмаслигини айтиш кубоклардан бирда сақланар эди. Уни мабодо вис-такаларга экспонат қилиб қўйилган бўлса, кечаю-қундуз соқчилар қўриқлаб турар эди. Полициячилар кубокнинг тўрт томонига турли олиб, одамларнинг унга бир ярим метрдан ливор қасофага йўлатмас эдилар.

ҲИНДИСТОН

ДЕХЛИ. Бу ерда халқаро авиалавчиларга хизмат қилатган «Эйр индия» авиакомпаниясини штурмийларнинг забастовкаси давом этмоқда. Штурмийлар иш ҳақининг оширилган талаб қўриқмоқдалар. Қатнов тўхтатиладиган сабабли, деҳ хабар беради Ҳиндистон телеграф агентлиги, компания маъмурияти хизмат кўрсатуви ходимлардан салкам 1600 кишини вақтинча ишдан четлаштирди. Газеталар «Индия йилдаси корпорейш» сўрадорс авиакомпаниясида ҳам забастовка бўлганлигини хабар қилди.

Улар янги меҳнат битимининг тузиллишини талаб қилмоқдалар.

«Патриот» газетасининг хабар беришича, Нагпурда икки тўқимачилик фабрикаси ишчиларидан 18 минг кишининг забастовкаси бўлаётди. Нагпур касаба союзи қимматчилик учун

қўшилган иш ҳақининг яқинда қўрилган қисминини янада тиклаш тўғрисидаги ишчиларнинг талабларини қўллаб қувватлаш юзасидан бу забастовкани эълон қилди.

ИТАЛИЯ

РИМ. Милан металлургия ва машинасозлари иш ҳақининг оширилиши учун, янги меҳнат битимлар тузилиши учун қурашиб, забастовкани тўхтатмаётгилар.

Мамлакатнинг кўпгина областларидаги автотранспорт компаниялари ходимларидан 40 минг киши бу йил тўрттинч марта забастовка эълон қилди. Улар янги меҳнат битимининг тузиллишини талаб қилмоқдалар.

Туризм кондитер саноати меҳнатчиларидан 40 минг киши ҳам иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб забастовна ўтказди.

ФРАНЦИЯ ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ПАРИЖ. Де Голл раислигида Франция министри негашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бош министрининг информатсия масалалари бўйича статс-секретарь Бурж мажлис тамом бўлди.

гай, министрлар негашини ташқи ишлар министри Кув Де Мюр-вильнинг халқаро ахвол тўғрисидаги ва жумладан Франциянинг НАТОга нисбатан тугган позициясини кейин юз берган во-



Дунайаврошдаги Дунай металлургия комбинатининг совуқ прокат цехи бу йил газ қурувлари қурилиши учун 8000 туп труба етказиб беради. Ҳозирги вақтда Венгрияда табиий газнинг катта ресурсларидан кенг фойдаланишга киришилди. Кейинги ўй йилдада ана шу бойлик запасларининг 90 проценти топилади.

МТИ-ТАСС фотоси.

Латиф МИРТЕМИРОВ

Кун кеча нурга чўмган цехда снг нимариб, меҳр ва эҳи билан «Совет Ўзбекистон»нинг навабдаги сонини тиройли шаир этиш устида ўй ва қилқарлар чўмган, дўст-ўртоқлари билан меҳнат соатларини шодон ўтказган хўрматли Латиф ахиямиз бугун орминда йўқ, бевақт ўлим уни юлиб кетди.

Латиф Миртемиров (Бек-а) ўзининг қирқ йиллик умри, қайноқ, сермазун фаолиятини босмақода ўтказди. Ҳа меҳнатини

улуг, муътабар ишга — матбуотга бағишлаган, ўзининг жонқуярлиги, ишчилиги, ҳамкасбларига нисбатан меҳрибонлиги билан кўпчилигининг хўрматига сазовор бўлган Латиф Миртемиров бундан 61 йил муқаддам ишчи оиласида туғилиб, наврўзи ёшлик чоғларида донқ меҳнат қучоғига отилган эди. Оддий ҳарф терувида, техредакторлик даражасига кўтарила олган саҳоватли бу ўртоғимиз узоқ йиллик иш жараёнида ўйлар

ча шогирдлар етиштирди, полиграфия саноатини янги кучлар билан тўлдириб боришда муносиб хисса қўлди. Унинг хизматлари юксак тақдирланди. Хўрмат белгиси ордени, ҳамда бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерликлари билан мукофотланди. У жанговар дўст, софидан ва қуввоқ ўртоқ, илҳомли, ғайратчан, меҳрибон сарфдошимиз эди. Унинг қалб-лариниқанда чуқур жой олган хотираси узоқ йиллар аяшайди.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ДУЖИНАЧИЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Партия ва ҳукуматимиз совет халқининг турмуш фаровонлигини тобора яхшилаш ҳақида тинмай гамхўрлик қилиш билан бирга жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибни сақлаш, социалистик мулкни қўрақиниқдай асрашга ҳам доимо катта эътибор бериб келмоқда.

Кешини киши томонидан эксплуатация қилиш батамом тугатилган Советлар мамлакатда жиноятнинг содир бўлиши учун ҳақ қандай социал негиз йўқ. Чунки била коммунистик ахлоқ нормалари ҳукмрон. Кишилариимиз асосан меҳнаткаш, коммунистик камиятининг актив қурувчилари ҳисобланадилар. Аммо жамиятимизда ўғрилик, социалистик мулкка қўз олайтириш, олибсатарлик, безорилик сингари ёт элементлар ҳам учраб турадики, уларга қарши ҳаммаша мурасосиз ва қатъиятчи кураш олиб боришга тўғри келади.

Ана шундай элементларга қарши ишчи кураш олиб бориш вазифаси совет милиция органлари зиммасига юлганган. Бу олижаноб ишда милиция органлари қорхоналар, муассасалар ва олий ўқув юртларида тузилган кўнгилли халқ дружиналари қийдан ердан бермоқдалар. Бунинг раёонимиз дружиначилари фаолияти миқсолида ҳам ёрқин кўрсак бўлади.

Раёонда кўнгилли халқ дружинаси штаби ишлаб турибди, унга район партия комитетининг секретари ўртоқ Алексей Иванович Шчербаков раҳбарлик қилмоқда. Қорхоналар, муассасалар ва олий ўқув юртларидаги дружиналар фаолиятига эса бевосита директорлар ёки партия ташкилотларининг секретарлари бошлиқ қилиб тайинланган.

Ҳар бир қорхона махсус «Халқ дружинаси» деб ёзиб қўйилган автомашинга эга. Бу машина қорхона дружинаси штаби ихтиёрида бўлади ва ушунга хизмат қилади. Раёон штаби дружиначиларининг иш тартибини тузиб чиққан. Бу тартибга асосан ҳар кун ҳар бир қорхона ёки муассасадан 15—20 дружиначи район штабига келади. Бу отряд партия комитети томонидан актралитган киши раҳбарлигида ўзига биритилган микрорайонда патруллик қилади.

Дружиначилар милиция ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, афсўрчулар, безорилар ва олиб сотарларга қарши актив курашмоқдалар. Бундан ташқари район территориясининг сангарида ҳўталин яхшилаш юзасидан ўлжанилаётган рейдларда, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги қаровензлик ҳамда жиноятга қарши курашда иштирок этмоқдалар.

Раёондаги «Ташкентабель», «Ташсельмаш», «Ўзбекхлопкомаш» ва бошқа қорхонахалқчилари, радио овозли эълон қилишди. Қўнчилик йилнинг заводаларда ҳафтада бир марта жамоат тартибни сақлаш кунини ўтказилиб туради. Унда қорхона директори цех бошлиқлари, партия ташкилотларининг секретарлари билан йиғилиш ўтказилади. Бундай йиғилишларда бир ҳафта ичида рўй берган ҳуқуқ-тартиботларни бузиш ҳоллари тўғрисида жиддий гап-сўзлар бўлади.

Агар шундай фактлар содир бўлган бўлса, коллектив ўрта-сида муҳокама қилинади, ана шу фактга нисбатан қўнчилик фикрини уйғотилади.

Тартибнинг бу формаси жойларда, ишчилар ва хизматчилар ўртасида батзан учраб турадиган ичкиликбозлик, безорилик ва тартиб бузиш ҳолларининг кескин қамийишга ёрдам бермоқда. Бу соҳада кабелъ заводи кўнгилли халқ дружинасининг фаолияти анича йоратилди.

Кабелчи — дружиначиларини фақат ўз микроучасткаларидагина эмас, балки Куйбисев районининг ҳамма жойларида, район меҳнатнашларининг осийишталигини сақлаб юришганида ҳам кўриш мумкин. За-вод директори Константин Федорович Сафоновнинг ўзи бу соҳада борага ўркан. Унинг еши 70 га бориб. Аммо Константин Федорович норқонинг таъини дружиначиларидан. Уни кўнчица дружиначилар штабига учратиб мумкин. Директор бундай пайларда ҳар хил тартибузларлар билан юзма-юз туриб гаплашади, ёш дружиначиларга амалий масахатлар беради.

Кабелъ заводи дружиначиларига товар Виктор Николаевич Панков командирлик қилмоқда. У ўз вақти билан ҳеч вақт ҳисоблашмайди. Кўп кунини дружина фаолиятини яхшилашга сарфламоқда.

Қорхона дружиначилари яхши ташаббус кўрсатишди. Улар кабелъ заводининг социалистик шаҳарчасида бутунлай осийишталигини салтанати анималарига олишди. Шундан кейин район милиция бўлими ишлари ана шу шаҳарчада банд бўлган тўрт милиционерни районнинг бошқа участкасига ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Қор-ёғирли туғиларда ҳам, яғирли туғиларда ҳам ишчилар шаҳарчасида қўнчилик лента боғлаб, ўз ҳамкасбларининг, уларнинг оилаларининг тинч ороини таъминлаб юрган мард йиғи-қиларини учрашган. Улар орасида Пугачев, Ермаков, Толман, Владимир, Каримов, Солоневич, Вакулов, Шамсиев ва бошқаларнинг номини фазр билан тилила олиш мумкин.

Шу йилининг феврал ойида район миқсёсида бўлиб ўтган жамоат тартибни сақлаш рейдида кабелъ заводи дружиначилари актив қатнашдилар. 19 феврал, шабаба кун эди. Кечқурун соат 5 да заводнинг майилслар залига 250 дан ортиқ киши ва хизматчи йиғилди. Қорхона директорининг ўринбосари Р. Махамов ва шаҳар жамоат тартибни сақлаш бошқармасининг ходими полковник Есенов ўртоқлар дружиначиларга рейд вазифалари ҳақида тўшунтириб бердилар. Кейин улар олти ортида бўлиниб, махсус янқозланган машиналарда белгиланган жойларга йўл олишди.

Ўйлашмики, Тошкент шаҳри ва областининг қорхона, муассасалар ва олий ўқув юртлари директорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари ҳам кабелъ заводи дружиначиларидан ўркан олиб, бу соҳадаги ишларни ижодантириб юборадилар.

Ф. НУРИТДИНОВ.

Куйбисев район милиция бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори.

СУД ЗАЛИДАН ҚОТИЛГА ЎЛИМ

Бу мудхш воқеа шу йилнинг 3 январь кунини Орқоникиде рай-синдаги Фрунзе номли колхозда рўй берган эди. Колхоз аъзоси С. Ҳамидов кайф қилиб олиб, қўндан бўён кўзлаб юрган қоранинни амалга ошириш пайига тушди. Қўлай пайт топиб ҳам-чишлорни С. Ташеновнинг жонига қасд қилади. Бегуноҳ С. Ташенов хизмат бурчини ўтаётган пайтда қотил қангалида жон берган эди. Қўтил С. Ҳамидов иш юзасидан тергов олдидан борлиб тергов натижалари бўлиб судига ҳавола қилинди.

Яқинда Орқоникиде райони-

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОЦЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 МАРТДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Мамлаб ўқувчиларининг каникул қўнчилиги.

Рус тилида: 10.30 — Асфальтдаги йиллар (болалар учун мультфильм), 10.55 — Пакек (телевизион бодиб фильми).

Ўзбек тилида: 12.00 — Концерт (болалар учун мультфильм), 12.30 — «Эски тошбада» калитани (64-даний фильми), 14.00 — Москва теле-студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДИЯСИ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлари, 18.20 — Анджион лионерлари (мактаб ўқувчилари учун), 19.20 — Озарбайжон субтропикларида, 19.40 — КПСС XXII съезди шарафига. Сурхондарё область меҳнатчилари учун.

Рус тилида: 20.40 — Телевизион янгиликлари.

20.55 — Эртаси кун программа.

21.20 дан — Москва телестудияси кўрсатади (тажриба тарихисидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДИЯСИ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — Чингиз кўча (болалар учун мультфильм), 18.25 — Ёш спортчилар, 18.45 — Тошкент янгиликлари, 18.55 — Санъат панорамаси, 19.55 — Сен елгиз эмассан (телефильм).

Ўзбек тилида: 21.00 — Кичик йўл эгалари (хўжикатли фильми), 21.20 — Тошкент янгиликлари, 21.30 — Армия ва романслар.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/III да кундуз Этин ийган Му-

КИНО

Ўттиз уч — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечқурун).

Питкининг касалхонадаги саргузашти — «ЭЗБЕККИСТОН», «КОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Герани жасорати — НАВОНИ номли (эрталаб 11.40, кундуз 3.20, 5 ва кеч 6.40 минутта).

Ошиқ Пингвин — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун) — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 9 яримда).

Мафтун оролар (эрталаб соат 10 да), Почта поезидининг таланиши (кундуз 1 ярим, кеч 8.20 минут ва 10 да) — НАВОНИ номли.

Қуноқ расмон — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

Казан Голота ниссаси — «ЭЗБЕККИСТО» (эрталаб соат 9 да).

Ўзбекистон Компартисини Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмақонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08246.

ИНДЕКС 64969

Г—1080.

ТОШ